

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 30.12.2019. Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**ШАМШОД ШАВКАТОВИЧ ЭРГАШЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ  
ИДОРАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ (1991–2016 й.)**

**07.00.01 – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation**

**Шамшод Шавкатович Эргашев**

Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятнинг идоравий ривожланиш жараёнлари (1991–2016 й.).....

**Шамшод Шавкатович Эргашев**

Процессы институционального развития научной и инновационной деятельности в Узбекистане (1991–2016 гг.).....

**Shamshod Shavkatovich Ergashev**

The processes of institutional development of scientific and innovative activities in Uzbekistan (1991–2016) .....

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of publications .....

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSc 30.12.2019 Tar.56.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
ТАРИХ ИНСТИТУТИ**

---

**ШАМШОД ШАВКАТОВИЧ ЭРГАШЕВ**

**ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ ВА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИНГ  
ИДОРАВИЙ РИВОЖЛАНИШ ЖАРАЁНЛАРИ (1991–2016 й.)**

**07.00.01. – Ўзбекистон тарихи**

**Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2021**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/ Таг195 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасига ([www.fati.uz](http://www.fati.uz)) ва «ZiyoNET» ахборот-таълим порталига ([www.zivonet.uz](http://www.zivonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Азамат Зиё**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Мирзохид Акрамович Рахимов**  
тарих фанлари доктори, профессор

**Абдухалил Абдулхасевич Маврулов**  
тарих фанлари доктори, профессор


**Етакчи ташкилот:**

**Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон**  
**миллий университети**


Диссертация химояси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тарих институти ҳузуридаги илмий даражаларни берувчи DSc. 30.12.2019 Таг.56.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «30» декабрь куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100047, Тошкент шаҳри Яхё Фуломов кўчаси 70-уй, Фанлар академияси асосий биноси, 110-хона). Тел.: (99871) 233-54-70; 233-62-01; факс: (99871) 233-39-91; e-mail: [info@fati.uz](mailto:info@fati.uz). Тарих институти).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси асосий кутубхонасида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100170, Тошкент шаҳри Зиёдилар кўчаси 13-уй). Тел: (99871) 262-74-58; факс: (+99871) 262-34-41).

Диссертация автореферати 2021 йил «22» декабрь куни таркатилди.  
(2021 йил «22» декабрдаги 15 рақамли рессстр баённомаси билан).

  
**Азамат Зиё**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.,  
профессор

**Х. С. Жуманазаров**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш котиби, PhD

  
**Н. А. Аллаева**  
Илмий даражалар берувчи  
Илмий кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д.



## **Кириш (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Жаҳон миқёсида иқтисодийнинг ривожланиши жараёнида илм-фан соҳалари ҳам такомиллашиб бормоқда. Хусусан, илмий-техник салоҳиятдан самарали фойдаланишга, уни шакллантириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт эволюциясини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу жиҳатдан илм-фан ва инновациялар асосида ривожланаётган давлатларда фан, технологиялар ҳамда инновациялар ривожланишининг тарихий жиҳатларини тадқиқ қилиш долзарб масала саналади.

Дунёнинг етакчи илмий марказлари томонидан ҳозирги кунда илм-фан ривожини тарихининг ўзига хос жиҳатлари, жумладан, уларни такомиллаштириш механизмлари, ҳуқуқий асослари, замонавий тенденциялар ва муаммолари юзасидан тадқиқотлар олиб борилмоқда<sup>1</sup>. Лекин мазкур ишларда илмий ва инновацион фаолиятни идоравий жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмаганини ҳам кўриш мумкин. Ваҳоланки, барча давлатларда илмий ва инновацион фаолиятни бошқаришга масъул бўлган идораларнинг иш жараёнлари, уларнинг ютуқ ва камчиликларини тарихий жиҳатдан тадқиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда илм-фан ва инновацияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2017 йилда илм-фан ва илмий фаолият соҳасини ҳамда инновацион фаолиятни бошқариш ва ташкил этиш, уни амалга оширишни мувофиқлаштириш, мамлакатнинг интеллектуал ва технологик салоҳиятини оширишга қаратилган ягона давлат сиёсатини амалга оширувчи Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Шунингдек, фаолияти тугатилиш арафасида турган Фанлар академияси қайта тикланди. Унинг таркибида яна 18 та янги илмий ташкилот ташкил этилди, академия тизимидаги илмий ташкилотлар сони 38 тага етказилди. Мазкур омиллар бу борада тадқиқотлар ўтказилишига замин яратди. Бундан келиб чиқиб, мазкур диссертацияда 1991–2016 йилларда илм-фан, илмий ва инновацион фаолиятдаги идоравий ривожланиш жараёнлари очиқ берилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2020 йил 29 октябрдаги ПФ–6097-сон, «Илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш бўйича давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2021 йил 1 апрелдаги ПФ–6198-сон Фармонлари, шунингдек, «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон, «Иқтисодий тармоқлари

---

<sup>1</sup> Ҳозирги кунда бундай тадқиқотлар Жанубий Кореянинг Конкук университетининг Технологияларни бошқариш факультетида, Болгариянинг Ангел Кънчев номидаги Русенски университетининг Бизнес ва менежмент факультетида, Малайзия Фанлар академияси ва миллий университетларида, Испаниянинг Лас Палмас Гран Канария университетининг Технологиялар трансфери марказида, Польшанинг Ян Кохановски университетининг Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедрасида, Германиянинг ИАМО институтида олиб борилмоқда.

ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2018 йил 7 майдаги ПҚ–3698-сон қарорларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мос келади.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Мазкур мавзу бугунги кунга қадар Ўзбекистон тарихида тадқиқот мавзуси сифатида ўрганилмаганлиги, масаланинг айрим жиҳатларига оид илмий адабиётларнинг мавжудлигини ҳисобга олиб, тадқиқот доирасида ўрганилган адабиётларни қуйидагича таҳлил қилиш мумкин.

Дастлаб бевосита мавзуга оид бўлмаса ҳам ўрта асрларда илм-фан тарихи, илмий марказлар фаолияти ҳақида маълумот олиш мумкин бўлган тадқиқотлар кўрсатиб ўтилган. Жумладан, Б. Абдуҳалимов, С. Каримова, Г. Машариповаларнинг илмий изланишларида ўрта асрларда ҳудудимизда турли аниқ ва табиий фанларнинг ривожланиш тарихи ўрганилган, олимларнинг илмий ижоди, илмий изланишлар олиб боровчи муассасалар фаолияти ҳақида фикр юритилган<sup>2</sup>. Бундан ташқари, Г. Реука ва О. Махмудовнинг ишларида ҳам илмий марказлар фаолияти тадқиқ қилинади<sup>3</sup>.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон илм-фанига оид маълумотлар Д. Алимова ва У. Абдурасулов масбул муҳаррирлигида тайёрланган монографиядан ўрин олган<sup>4</sup>. Унда Фанлар академиясининг қарийб 70 йиллик тарихи, Ўзбекистонда академик фаннинг энг муҳим йўналишлари шаклланиши қаторида республиканинг илм-фан соҳасини бошқариш ва мувофиқлаштиришда алоҳида ўринга эга бўлган академиянинг мамлакатимизда интеллектуал ҳаёт ва илмий салоҳиятни ривожлантиришга қўшган ҳиссаси таҳлил этилган.

---

<sup>2</sup> Абдуҳалимов Б. «Байт ал-ҳикма» ва Ўрта Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти (IX-XI асрларда табиий фанлар): Тарих фанлари доктори... дис. Тошкент. 2001. 304 б.; Шу муаллиф. «Байт ал-ҳикма» ва Марказий Осиё олимларининг Бағдоддаги илмий фаолияти. – Тошкент: Ўзбекистон, 2010. – 264 б.; Каримова С. Роль учёных Мавераннахра и Хорасана в развитии химии и фармакологии на средневековом Востоке (по письменным источникам IX – XI вв.) Автореф. дисс... док. ист. наук. – Ташкент. ИВ АН РУз. 2001. – 57 с.; Машарипова Г. Хоразмлик алломаларининг математика ва астрономия соҳасидаги илмий изланишлари: (Қадимги даврлардан то XIII асргача). – Тошкент: Фан, 2004. - 186 б.

<sup>3</sup> Реука Г. Опыт и проблемы инновационной деятельности в научно-промышленном комплексе Узбекистана в 70-80-е годы XX века: монография. – Тошкент, 2005. – 107 с. Махмудов О. Европада Марказий Осиё олимлари илмий меросини ўрганишда Толедо мактабининг ўрни (XII-XIII асрлар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. Тошкент. 2018. 49 б.

<sup>4</sup> Академия наук в интеллектуальной истории Узбекистана / отв. ред. Алимова Д.А., Абдурасулов У.А. –Т.: 2012. – С. 185.

Тарихий тадқиқотлардан ташқари илм-фаннинг бошқа турли соҳаларида фаолият юритаётган олимларнинг тадқиқотларида ҳам ўрганилаётган масалага доир бир қанча маълумотларни олиш мумкин. Жумладан, А. Жумахўжаевнинг тадқиқотида интеллектуал мулк объектларини яратиш, ҳуқуқий муҳофазалаш ҳамда улардан фойдаланиш масалалари акс эттирилган<sup>5</sup>. О. Парпиев эса Ўзбекистон миллий инновация тизимини шакллантириш учун зарур бўлган ёндашувларни ўрганган<sup>6</sup>. С. Воронин ва Б. Қорабоев Ўзбекистонда инновацион соҳани ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича давлат сиёсатининг хусусиятлари борасида изланиш олиб борган<sup>7</sup>. Ш. Отажоновнинг тадқиқотида мамлакат иқтисодиётини инновацион ривожлантириш ва рақобатбардошлигини оширишда инновация фаолиятини ривожлантириш инфратузилмасини бошқаришнинг назарий-услубий асослари очиб берилган<sup>8</sup>.

Тадқиқ этилаётган мавзуга оид хорижий тадқиқотлар ҳам мавжуд бўлиб, уларга россиялик олимлардан М. Шевченко, А. Рязанова каби тарихчи олимларнинг ишларини киритиш мумкин<sup>9</sup>. Шунингдек, жанубий корейлик олим Сунянг Чанг мақоласида минтақавий инновацион тизим концепцияси самарали миллий инновацион тизимни яратиш учун яхши восита эканлиги таъкидланган<sup>10</sup>. Бундан ташқари малайзиялик Умар Абдулрахмон фан, технологиялар ва инновациялар сиёсатини юритиш билан боғлиқ турли фактлар, тавсиялар, мазкур соҳанинг ўрни бўйича илмий ҳамжамият ва жамоатчилик ўртасидаги тафовутни бартараф этиш, режалаштиришда, шунингдек, ушбу сиёсатни ўргатиш ва амалга оширишда зарур бўлган масалаларни назарий жиҳатдан асослаб берган<sup>11</sup>.

Юқорида келтирилган тадқиқотлар тадқиқ этилаётган мавзунинг муайян соҳаларини қамраб олган бўлса-да, Ўзбекистон Республикасидаги 1991–2016 йиллардаги илм-фан соҳасининг институционал ривожланишининг

---

<sup>5</sup> Жумахўжаев А.З. Илмий-техника маҳсулотлари ва инновация лойиҳаларини тижоратлаштириш жараёнида интеллектуал мулк объектларини халқаро муҳофазалаш ҳамда хорижий лицензиялаш. – Т.: «Мехнат», 1999 йил.

<sup>6</sup> Parpiev O. R. Conceptual approaches to the establishment the system of commercialization and transfer of scientific-research activities' results: Proceedings of the Tashkent international innovation forum, TIF-2015, Tashkent, «O'zbekiston». P. 18-21.

<sup>7</sup> Воронин С. А., Қорабоев Б. У. Государственное стимулирование развития инновационной сферы в условиях глобализации // *Ars Administrandi* (Искусство управления). 2017. Том 9, № 3. С. 434-451.

<sup>8</sup> Отажонов Ш. И. Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари. – Т.: 2017. Ўша муаллиф: Инновация фаолияти инфратузилмасини бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмлари самарадорлигини ошириш: иқтисодиёт фанлари доктори дисс. автореферати. – Тошкент, 2018. – 95 б.

<sup>9</sup> Шевченко М. Анализ эволюции организационно-управленческой деятельности по обеспечению эффективности взаимодействия науки и техники (1980-2009 гг.). Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук, 2011, ...Санкт-Петербург; Рязанова А. Научно-техническое развитие и инновационная политика Республики Корея в 1960-2010-е гг. Автореферат диссертации на соискание ученой степени кандидата исторических наук, 2012, Томск.

<sup>10</sup> Sunyang Chung, Building a national innovation system through regional innovation systems: *Technovation*, Volume 22, Issue 8, August 2002, Pages 485-491.

<sup>11</sup> Omar Abdul Rahman, The essentials of Science, Technology and innovation policy, Cataloguing-in-publication Data, 2013. P. 76.

тарихий хусусиятларини акс эттирмаган. Бу эса муаммони алоҳида тадқиқот объекти сифатида ўрганиш зарурати мавжудлигини кўрсатади.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот Тарих институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Илмий-техника ахбороти» давлат унитар корхонаси ҳамкорлигида №ПЗ 2017-09132999 «Кластер ёндашуви асосида минтақани инновацион ривожлантиришни бошқаришнинг ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш» (2013–2014 й.) ва №А5-080 «Фан, таълим ва ишлаб чиқариш тизимида фаолият юритувчиларнинг on-line боғланиши учун маълумотлар базасини яратиш» (2015–2017 й.) мавзуларидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Ўзбекистонда 1991–2016 йилларда илмий ва инновацион фаолиятнинг идоравий ривожланиш жараёнлари моҳиятини очиб беришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

муаммонинг назарий асослари, илмий тадқиқот ва инновацион фаолият тушунчаларини очиб бериш;

илм-фан соҳасини институционал ривожлантириш борасида жаҳон тажрибасини кўрсатиш;

Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятнинг идоравий бошқарувини ташкил этиш босқичлари ва ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

Фан ва техника давлат кўмитаси (ФТДК) бошқаруви ва мувофиқлаштирувчи роли остида мамлакат илм-фан соҳасидаги дастлабки ўзгаришларни тадқиқ қилиш;

Фан ва техника маркази (ФТМ) фаолияти такомиллаштирилишининг ютуқ ва камчиликларини кўрсатиб бериш;

Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш кўмитасининг (ФТРМҚ) илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни ривожлантиришдаги ролини очиб бериш;

кўмитанинг интеллектуал мулк объектларини ҳимоялаш ва патентлаш тизимининг шаклланиши ва ривожланишини ўрганиш;

Ўзбекистон Республикаси илмий-техник салоҳиятининг такомиллашув жараёни ютуқ ва камчиликларини қиёсий таҳлил қилиш;

илмий-техника ахборотини тарихий жиҳатдан ўрганиш орқали келгусида устувор бўлиши мумкин бўлган йўналишларни аниқлаб бериш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Ўзбекистон Республикасида илм-фан соҳасида идоравий (ФТДК, ФТМ ва ФТРМҚ мисолида) ривожланиш белгиланган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни илм-фан соҳаларининг бошқаруви ривожланишида кўмитанинг ўрни ва роли, унинг бевосита бошқарув ва мувофиқлаштирувчи роли асосида мустақиллик йилларида бажарилган илмий-техник лойиҳалар, уларнинг асосий илмий натижалари, интеллектуал мулк объектлари ва илмий-техник салоҳият ташкил қилади.



**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида хронологик, қиёсий, статистик таҳлил, фанлараро ёндашув, эмпирик каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

мустақилликнинг дастлабки иқтисодий имкониятлари чекланган йилларда (1992–2001 й.) асосан ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор қаратилгани ҳамда юридик, тарих ва филология фанлари йўналишларидаги тадқиқотлар натижалари мустақилликнинг илмий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилгани очиб берилган;

илм-фан соҳасини молиялаштиришнинг турғунлик босқичида (2002–2016 й.) фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси тўғри йўлга қўйилмагани сабабли молиялаштириш ҳажми соҳа эҳтиёжидан ўта паст бўлганига қарамай, илмий-техник салоҳиятнинг юқорилиги ва илмий мактабларнинг сақлаб қолингани ҳисобига илмий ходимлар ва тадқиқотлар сони муайян даражада ортгани ва илмий марказлар ташкил этилгани далиллаб берилган;

илмий марказларнинг аксарият қисми марказда жойлашгани сабабли чекка ҳудудларда илмий салоҳиятнинг пастлиги, маҳаллий давлат органлари томонидан ҳақиқий илмий-техник эҳтиёжлар шакллантирилмагани 2000–2016 йилларда амалга оширилган аксарият тадқиқотлар кутилган илмий натижаларни бермагани очиб берилган;

миллий илмий-техника ахбороти ресурсларини сифат жиҳатдан янги поғонага қўтариш, рақобатбардошлигини ошириш, амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришда ишлаб чиқарувчи корхоналар эҳтиёжи асосида интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза ҳужжатларини тижоратлаштириш даражасини оширишнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

Янги Ўзбекистонни барпо этишга асос солинган 2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар илмий-инновацион фаолиятни сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани асослаб берилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикасида 2000–2016 йилларда бажарилган илмий-тадқиқот ишлари турли фанлар кесимида таҳлил этилган ҳамда маълумотлар илмий муомалага киритилиб, уларнинг электрон базаси яратилган;

2008–2016 йилларда республика миқёсида ташкил этилган инновация ярмаркалари ва халқаро инновацион форумлар йиллар, ҳудудлар, тармоқлар кесимида тарихий жиҳатдан тадқиқ қилиниб, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётда жорий этилганлик даражаси исботланган;

илмий-тадқиқот ишларининг натижалари ва улар учун олинган патентлар соҳалар кесимида тизимлаштирилган;

2000–2016 йилларда амалга оширилган илмий-техник лойиҳалар самарадорлигидан келиб чиқиб, қайси йўналишларга эътибор қаратиш мумкинлигига аниқлик киритилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви, Миллий архив, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги архиви ҳужжатларидан фойдаланилгани, Давлат илмий-техника дастурлари доирасида бажарилган лойиҳаларнинг асосий илмий натижалари таҳлил қилиниб, уларни такомиллаштириш йўллари ишлаб чиқилгани ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси ҳузурида фаолият юритган Илмий-техника ахбороти давлат фонди, Фан ва технологиялар маркази таркибида фаолият юритган таҳлилий бўлим маълумотлар базаси тадқиқотга жалб қилингани, ушбу тадқиқот натижалари республика ва халқаро анжуманларда муҳокама қилингани ҳамда маҳаллий, халқаро илмий журналларда эълон қилингани, хулосалар, олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий диссертация 1991–2016 йилларда Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳуқуқий ворислари ҳисобланган ташкилотлар мисолида Ўзбекистон Республикасида илмий-тадқиқот соҳасининг идоравий бошқаруви ривожланишининг тарихий хусусиятларини очиқ беришга оид услубий ёндашувлар ва назарий хулосаларни мукаммаллаштиришга, шу даврда республикада амалга оширилган тадқиқотларнинг самарадорлигини ҳамда илмий-техника соҳасида келгусидаги устувор йўналишларни аниқлашга, шунингдек, илм-фан, таълим жараёнларини янги маълумотлар базаси билан бойитишга хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти унда келтирилган маълумот ва илмий хулосалар Ўзбекистон тарихига оид нашр қилинаётган илмий ва оммабоп асарларнинг илм-фан ва инновациялар тарихини ёритишда, шунингдек, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкинлиги асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** 1991–2016 йилларда Ўзбекистон Республикасида илм-фан ва инновация соҳасида идоравий ривожланишнинг тарихий хусусиятларини тадқиқ қилиш юзасидан олинган хулоса ва таклифлар асосида:

мустақилликнинг дастлабки иқтисодий имкониятлари чекланган йилларда асосан ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор қаратилгани ҳамда юридик, тарих ва филология фанлари йўналишларидаги тадқиқотлар натижалари мустақилликнинг илмий асосини мустаҳкамлаш бўйича хулосалардан Ўзбекистон Илмий-техника ва тиббиёт ҳужжатлари миллий архиви ҳамда Ўзбекистон Миллий архивида фойдаланилган («Ўзархив» агентлигининг 2020 йил 19 ноябрдаги 01/26-848-маълумотномаси). Хулосалар мустақилликни ғоявий жиҳатдан илмий асосда таъминлаш зарурати ва иқтисодий имкониятлар кескин чекланган шароитда асосан ижтимоий-гуманитар фанларга эътибор қаратилгани ҳамда тегишли фанлар йўналишларидаги тадқиқотлар натижалари мустақилликнинг илмий асосини мустаҳкамлашга хизмат қилганлиги очиқ берилган;

илм-фан соҳасини молиялаштиришнинг турғунлик босқичида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси тўғри йўлга қўйилмагани сабабли молиялаштириш ҳажми соҳа эҳтиёжидан ўта паст бўлганига қарамай, илмий-техник салоҳиятнинг юқорилиги ва илмий мактабларнинг сақлаб қолингани ҳисобига илмий ходимлар ва тадқиқотлар сони муайян даражада ортгани ва илмий марказлар ташкил этилгани тўғрисидаги хулосалардан Инновацион ривожланиш вазирлигида тегишли маълумотлар базаларини яратишда фойдаланилган;

илмий марказларнинг аксарият қисми марказда жойлашгани сабабли чекка ҳудудларда илмий салоҳиятнинг пастлиги, маҳаллий давлат органлари томонидан ҳақиқий илмий-техник эҳтиёжлар шакллантирилмагани 2000–2016 йилларда амалга оширилган аксарият тадқиқотлар кутилган илмий натижаларни бермагани тўғрисидаги хулосалардан Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан давлат илмий дастурлари доирасида амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар танловларини шакллантиришда фойдаланилган;

Янги Ўзбекистонни барпо этишга асос солинган 2017 йилдан бошлаб амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар илмий-инновацион фаолиятни сифат жиҳатидан янги ривожланиш босқичига ўтишига мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани бўйича олинган натижалардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги ПФ–5544-сон Фармони билан тасдиқланган 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2021 йил 10 ноябрдаги 02-02/6484-сон маълумотномаси). Илмий хулосалардан фойдаланиш 2022–2030 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишда хизмат қилган;

миллий илмий-техника ахбороти ресурсларини сифат жиҳатдан янги поғонага кўтариш, рақобатбардошлигини ошириш, амалиётга татбиқ этиш механизмларини такомиллаштиришда ишлаб чиқарувчи корхоналар эҳтиёжи асосида интеллектуал мулк объектларига бўлган муҳофаза ҳужжатларини тижоратлаштириш даражасини ошириш бўйича таклифлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги ПҚ–3855-сон «Илмий ва илмий-техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ишлаб чиқишда фойдаланилган (Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 10 ноябрдаги 08/1-822-сон маълумотномаси). Мазкур таклифлар асосида илмий ташкилотларда яратилган илмий-тадқиқот ишларининг 43 таси ишлаб чиқаришга жорий қилишга ва 19 та «старт» корхонасини ташкил қилишга услубий-ташкилий жиҳатдан имконият яратган ҳамда Ўзбекистон Республикасида илмий-техника ахборотини ривожлантириш концепцияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 20 та илмий конференцияда, жумладан, 7 та халқаро конференция ва 13 та республика илмий-амалий конференциясида апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 31 та илмий иш, шулардан 1 та монография, 7 та илмий мақола, жумладан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда шартли қисқартмалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 164 бетни ташкил этади.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

Диссертациянинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилиши даражаси очиб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, ишнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги, апробацияси ва тадқиқот натижаларининг татбиқ қилиниши, эълон қилинган наشرлар ва иш таркиби тўғрисида маълумот берилган.

Диссертациянинг «**Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятни тадқиқ этишнинг назарий асослари ва бу борадаги давлат сиёсати**» деб номланган биринчи бобида илмий тадқиқот ва инновацион фаолият тушунчаси ҳамда илм-фан соҳаларини ривожлантириш бўйича миллий ва жаҳон тажрибаси, шунингдек, Ўзбекистонда илмий ва инновацион фаолиятнинг идоравий бошқарувини ташкил этиш босқичлари ва ҳуқуқий асослари масалалари таҳлил этилган.

Маълумки, ҳар қандай янги давлатчиликка илм-фан соҳаларининг ривожланиши мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилиши, бу борада давлат сиёсатининг алоҳида ўрни ва роли мавжудлиги жаҳон ва миллий тарихий тажрибада исботланган. Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ҳам мустақилликнинг илк йилларидан илм-фан соҳасини тубдан ислоҳ қилишга киришилди, ўтиш даври муаммо ва зиддиятларига қарамасдан олимлар истеъдодини ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Аммо бу жараён осон кечмаганини, айниқса истиқлолнинг дастлабки чорак асри давомида ютуқлардан кўра камчиликларга кўпроқ йўл қўйилганини таъкидлаш керак. Бу эса, ўз навбатида, тараққиётнинг тезлашишига ҳамда аҳоли фаровонлигини янги поғоналарга олиб чиқишга хизмат қилувчи бозор муносабатларига ўтиш жараёни сушт борганлигининг замирида кўплаб сабаблар қатори илмий ва инновацион ривожланиш тамойилларига тўла амал қилинмаганлиги ётганини кўрсатди.

Туркистонда минг йилдан зиёд фаолият кўрсатиб келган, жаҳонга юзлаб олимларни етказиб берган таълимнинг мадраса тизими кейинги даврларда ҳам фаолият кўрсатди. Хусусан, XVIII асрда Самарқанд ва Бухорода 70 та, XIX асрда биргина Тошкентда 18 та мадраса бўлган. 1894 йилда Туркистонда 6445 та мактаб-мадраса фаолият кўрсатган, 1913 йилга келиб уларнинг сони

7665 тага етган<sup>12</sup>. Шу жиҳатдан олганда, мадрасалар бир неча асрлар давомида ўзига хос университет вазифасини бажариб келган.

XIX асрнинг охирига келиб илм-фан ва технология ўзаро ҳамкорликда ишлаб чиқаришга кенг жалб қилина бошланди. XX асрга келиб эса бу жараён тезлашди ва илмий ғояларни техник воситалар ҳамда янги технологияларга айлантириш аста-секин кенгайиб борди. Бу даврда илмий тадқиқотларни амалиётга жалб қилиш, ишлаб чиқишга қаратилган тадқиқотлар шаклланди. Натижада фан тобора ўсиб бораётган тўғридан-тўғри ишлаб чиқарувчи кучга айланиб, кўплаб йўналишлар ва моддий ишлаб чиқариш элементларини ўзгартирди<sup>13</sup>. Шу билан бирга, узоқ тарихий жараёнлар таъсирида илм-фан, илмий тадқиқот, инновация каби тушунчаларнинг илмий асоси яратилди ва амалиётга жорий этилди. Ушбу ҳодиса мустақиллик йилларида чоп этилган миллий энциклопедиямизда ҳам ўз аксини топди. Масалан, «илм» (арабча) сўзининг биринчи маъноси ўқиш, ўрганиш ҳамда ҳаётий тажриба асосида орттирилган билим ва малакалар мажмуи деб тавсифланган бўлса, унинг иккинчи маъноси «фан» сўзининг синоними сифатида келтирилган<sup>14</sup>.

Шу билан бирга «фан» сўзи ушбу энциклопедияда ўз таърифига эга бўлиб, қуйидагича изоҳланган: «Дунё ҳақидаги билимлар системаси, ижтимоий онг шаклларида бири. У янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ фаолиятни ҳам, бу фаолиятнинг маҳсули – оламнинг илмий манзараси асосини ташкил этувчи билимларни ҳам ўз ичига олади; инсон билимларининг айрим соҳаларини ифодалайди. Фаннинг бевосита мақсади ўзининг ўрганиш предмети ҳисобланган воқеликнинг қонунларини кашф этиш асосида шу воқеликнинг жараён ва ҳодисаларини таърифлаш, тушунтириш, олдиндан айтиб бериш»дир<sup>15</sup>. Демак, фан сўзи илм сўзидан кўра торроқ ва аниқроқ тушунчани ўзида ифода этади.

«Илмий тадқиқот» тушунчаси янги билимларни ишлаб чиқиш жараёни ва билиш фаолияти турларидан бири сифатида эътироф этилган. Инновация (инг. *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) – 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иктисодиётга сарфланган маблағ; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши<sup>16</sup> деб таърифланган. Яна бир тушунча «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари»дир (акроним (қисқартма) ИТТКИ). Унинг маъноси янги билимлар олиш ва уни янги маҳсулот ёки технологияни яратишда амалда қўллашга қаратилган ишлар мажмуи деб тушунилади<sup>17</sup>.

<sup>12</sup> Орипова М. Туркестонликлар саводсизмиди? // Тафаккур 2004. – №2. – 92-б.

<sup>13</sup> Состояние национальных систем научно-технической информации в Государствах СНГ – членах МКСНТИ, Аналитический обзор, Содружество Независимых Государств, Межгосударственный координационный совет по научно-технической информации, 2009. – С 60.

<sup>14</sup> ЎЗМЭ, 4-жилд – Т.: 2002, – 117-б.

<sup>15</sup> ЎЗМЭ, 9-жилд. –Т.: 2002, – 32–34-б.

<sup>16</sup> ЎЗМЭ, 9-жилд. –Т.: 2002, – 199-б.

<sup>17</sup> Научно-исследовательские и опытно-конструкторские работы (НИОКР) // <https://dic.academic.ru/dic.nsf/ruwiki/312460>

Яна бир муҳим тушунча – илмий-техника тараққиёти (ИТТ)дир. ИТТ илмий тадқиқотлар натижаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт, социал, экологик ва ахборот эффеќтига эга бўлишга қаратилган техника, технология, энергетика, товарлар ва хизматлар такомиллашувининг натижасидир. ИТТ манбаи бўлиб илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари (ИТТКИ) шаклидаги ижодий, интеллектуал фаолият хизмат қилади. ИТТ натижаси (эффеќти)га қуйидагилар киради: иқтисодий – товарлар ва хизматлар ҳажмининг ўсиши, бу жараёнда иш юқининг, материал ва энергия сарф-харажатиинг камайиши; ижтимоий – янги малакали иш ўринлари яратилиши, бўш вақтнинг кўпайиши, ҳаёт сифати ва шароитининг яхшиланиши; экологик – табиий ресурсларнинг тежалиши, атроф-муҳитга зарарли чиқиндиларнинг камайиши, табиий ва техноген фалокатларнинг олди олиниши ёки камайиши (юмшатиш); ахборот – илмий билимлар ҳажмини ошириш ва уларнинг жамиятда тарқалиши<sup>18</sup>.

Агар 1985 йилдаги маълумотларга эътиборни қаратадиган бўлсак, ўша даврдаги дунё давлатлари етакчилари таркибига кирган СССР, АҚШ ва Японияда барча турдаги илмий тадқиқотларни молиялаштириш таркиби қуйидаги кўринишни ҳосил қилган<sup>19</sup>:

Т/р	Тадқиқот ишларининг турлари	СССР	АҚШ	Япония
1	Фундаментал тадқиқотлар	12,8%	14%	13%
2	Амалий тадқиқотлар	60,3%	22%	25%
3	ИТТКИ	26,9%	64%	62%

Илмий-инновацион фаолиятни кўллаб-қувватлашнинг глобал тенденцияларини кўрадиган бўлсак қуйидагиларни таъкидлаш мумкин. Иқтисодий ўсишни ва барқарор ривожланишни рағбатлантириш учун кўпчилик давлатлар, даромад даражасидан қатъи назар, ҳозир тадқиқот ва инновацияларга таянади. «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош ассамблеяси томонидан 2030 йилгача Барқарор ривожланиш мақсадлари қабул қилинганидан сўнг, ЮНЕСКОнинг Илмий ҳисоботи шуни кўрсатадики, тадқиқотлар ҳам иқтисодий тараққиётни тезлатувчи, ҳам барқарор ва экологик жиҳатдан соғлом жамиятларни қуриш учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади»<sup>20</sup>. Ҳисобот шуни кўрсатадики, саноати ривожланган мамлакатларни камраб олган 2008 йилдаги иқтисодий инқирозга қарамай, 2007–2013 йиллар мобайнида ИТТКИга ялпи ички харажатлар 31 фоизга ошди. 2013 йилда улар 1,478 миллиард долларни ташкил этди, 2007 йилда 1,132 миллиард доллар бўлган, яъни ўша даврда жаҳон ялпи ички маҳсулотига (ЯИМ) нисбатан тезроқ ўсди (20 фоиз).

Battelle Memorial Institute<sup>21</sup> тадқиқот институтининг маълумотларига кўра, 2011 йилда дунёда ИТТКИга сарф-харажатлар 3,6 фоизга ўсган ва 1,2

<sup>18</sup> Бляхман Л.С. Научно-технический прогресс (НТП) / Большая российская энциклопедия // <https://bigenc.ru/economics/text/2252238>

<sup>19</sup> Nelson R. National Innovation System. New York, Oxford, 1993.

<sup>20</sup> Стратегия развития науки и инновационной деятельности в РУз на период до 2025 г. Комитет координации развития науки и технологий при кабинете министров РУз. – Т.: 2016. – С. 4.

<sup>21</sup> Battelle Memorial Institute (Battelle номи билан машхур) – 1929 йилда (саноатчи-тадбиркор Гордон Балетелленинг васиятига биноан) ташкил топган хусусий, нотижорат амалий тадқиқот ва технологияларни

трлн. АҚШ долларини ташкил қилган. ИТТКИ ҳажми бўйича биринчи ўринни АҚШ эгаллаган (382,6 млрд. долл.; яъни ўз ЯИМнинг 2,7 фоизи дегани). Иккинчи ўринни Хитой эгаллаган (153,7 млрд. долл.; ЯИМнинг 1,4 фоизи). Учинчи ўрин Японияга тегишли бўлган (144,1 млрд. долл.; ЯИМнинг 3,3 фоизи). Бу даврда Россия Федерацияси жаҳон етакчилари орасида ўнинчи ўринда бўлган (23,1 млрд. долл.; ЯИМнинг 1 фоизи)<sup>22</sup>.

Дунё аҳолисининг 67 фоизи яшайдиган қолган мамлакатларга илмий тадқиқотларга сарфланган маблағнинг атиги 23 фоизи тўғри келади. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Бразилия, Ҳиндистон ва Туркия каби давлатлар бу борада ўз харажатларини тез суръатлар билан ошираётганлиги кўзга ташланмоқда.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришиши билан давлат ва жамият фаолиятининг барча соҳаларида туб ислохотлар амалга оширила бошланди, мамлакатда бозор муносабатларига ўтиш даврида мавжуд илмий салоҳиятни сақлаб қолиш ва унинг янада ривожланишини таъминлаш учун шароит яратиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланди. Бунда давлатнинг кучи ва салоҳияти ёрдамида илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш ҳамда ривожланишини таъминлай оладиган изчил, босқичма-босқич такомиллаштириш сиёсатини олиб бориш назарда тутилди.

Шундай қилиб айтиш мумкинки, 2021 йил охирига қадар тегишли меъёрий ҳужжатларга таянган ҳолда мамлакатда илмий соҳани идоравий мувофиқлаштириш ва бошқариш жараёни беш босқични босиб ўтди: биринчи босқич – 1992–2002 йиллар; иккинчи босқич – 2002–2006 йиллар; учинчи босқич – 2006–2016 йиллар; тўртинчи босқич – 2017 йил; бешинчи босқич – 2018 йилдан ҳозирги кунга қадар.

Дастлабки босқичда Ўзбекистонда фанни бошқарувчи орган – Фан ва техника давлат қўмитасининг асосий вазифаси сифатида Совет иттифоқи парчаланганидан кейин республикадаги фан ва илмий мактабларни сақлаб қолиш мақсад қилиб олинди. Шу билан бирга, давлат илмий-техник сиёсатининг устувор йўналишлари ва энг яқин истикболи ҳамда фундаментал ва амалий тадқиқотлар бўйича Давлат илмий-техник дастурлари (ДИТД) рўйхати тасдиқланди. Жумладан, 1994–1996, 1997–1999; 2000–2002 йиллар доирасида белгиланган фундаментал ва амалий илмий-техник дастурлар амалга оширилди; 1998 йилдан бошлаб 2 йиллик инновацион илмий-техник дастурларни шакллантириш ва амалга оширишга киришилди.

Иккинчи босқич – 2002–2006 йилларда Фан ва техника давлат қўмитаси ўрнига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Илмий-техника тараққиётини Мувофиқлаштириш Кенгаши тузилди, уни бошқариш

---

ишлаб чиқишга ихтисослашган ҳамда АҚШ солиқ қонунчилигида имтиёзларга эга бўлган компания. Штаб-квартираси Колумбус шаҳри (Огайо штати)да жойлашган. Ҳозирги кунда бу ташкилот фаннинг янги соҳаларини ўрганишга, технологияларни ишлаб чиқишга ва тижоратлаштиришга ҳамда мижозлар учун лабораторияларни бошқаришга ихтисослашган халқаро фан ва технологиялар корхонаси ҳисобланади. Манба: <https://www.battelle.org/>; [https://ru.abcdef.wiki/wiki/Battelle\\_Memorial\\_Institute](https://ru.abcdef.wiki/wiki/Battelle_Memorial_Institute)

<sup>22</sup>Тормышева Т.А. Возможно ли в России построить национальную инновационную систему?. // <http://web.archive.org/web/20131026013037/http://www.rair-info.ru/publication/publication16/>

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири зиммасига юклатилди. Фан ва технологиялар маркази ва йирик илмий ва инвестиция лойиҳалари бўйича Эксперт кенгаши Фан ва техника давлат қўмитасининг ҳуқуқий ворислари бўлди. Илмий лойиҳаларни базавий молиялаштириш ўрнини босувчи ДИТДни танлов асосида шакллантириш ва молиялаштириш механизми жорий этилди. Шу билан бирга, ДИТДни шакллантириш ва молиялаштириш механизми ёпиқ экспертиза асосида амалга ошириладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикаси фан ва техника тараққиётининг учинчи босқичининг ўзига хос хусусияти шундаки, ДИТДни шакллантириш ва молиялаштиришда рақобат тизими жорий этилди, танловга тақдим этилган илмий лойиҳаларни очиқ экспертиза қилишга ўтилди. Фан тараққиётининг бу босқичи, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 15 июлдаги «Ишлаб чиқаришда инновацион лойиҳалар ва технологияларни рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 916-фармони билан ҳар йили мамлакатда инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳалар ярмаркасини ўтказиш йўлга қўйилди.

Тўртинчи босқич: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги «Фанлар академияси фаолиятини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқот фаолиятини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2789-қарорига мувофиқ ўн ой давомида фаолият кўрсатган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси (ФТРМК) базасида Фан ва технологиялар агентлиги ташкил этилди. Ушбу агентлик қисқа давр ичидаги фаолияти давомида, биринчидан, ДИТДни шакллантириш бўйича фундаментал ва амалий тадқиқотлар танловини ўтказди, иккинчидан, олий таълимдан кейинги таълим институтлари орқали юқори малакали илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашнинг икки босқичли механизмини амалиётга жорий этди.

Бешинчи босқичда ташкилий-тузилмавий жиҳатдан муҳим ўзгариш юз берди. Хусусан, Фан ва технологиялар агентлиги ўрнига кенг ваколатларга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил этилди. Инновацион ривожланиш вазирлиги Фан ва технологиялар агентлиги томонидан бошланган фундаментал ва амалий тадқиқотларнинг илмий лойиҳалари танловининг яқунларини эълон қилди. Фан ва инновациялар соҳасида вазирликнинг илмий-техник кенгашлари ва уларнинг эксперт гуруҳлари тузилди. Мазкур вазирлик фанни бошқариш соҳасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш ва республиканинг инновацион ривожланиш механизмларини ишлаб чиқиш устида ишлай бошлади.

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда миллий илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятнинг идоравий ривожланиши ўзига хос равишда тарихий жиҳатдан беш босқичда ривожланди. Ҳар бир босқичда соҳани ривожлантиришга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий этилди. Жараёнда тўпланган тажрибага таяниб ҳамда йўл



қўйилган камчиликлар аниқланиб, навбатдаги босқичга ўтилди. 2017 йилдан бошлаб миллий илмий-техника ахбороти ресурсларини сифат жиҳатидан янги поғонага кўтариш, унинг халқаро миқёсда рақобатбардошлигини ошириш асосларини яратиш ва ташкил қилиш (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 октябрдаги 6097-фармони билан тасдиқланган Ўзбекистонда илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш)га мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани очиб берилди.

**«Илмий ва инновацион фаолият бошқарувининг шаклланиш ва такомиллашиш босқичлари»** деб номланган иккинчи боб мамлакат илм-фан соҳасида дастлабки ўзгаришлар ҳамда Фан ва техника давлат қўмитасига асос солиниши ва унинг фаолияти ҳамда илм-фан соҳасида халқаро алоқаларнинг мувофиқлаштирилиши ҳамда қўмита фаолиятини такомиллаштириш муаммоларига бағишланган.

Умуман олганда, ислохотларнинг дастлабки йилларида миллий фанлар академиялари тизими олдида қўйилган устувор вазибалар қуйидагилардан иборат бўлди: мамлакатнинг иқтисодий ривожланишида академияларнинг иштирокини кучайтириш, мавжуд илмий салоҳиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, илмий тадқиқотларни бозор муносабатлари талабларига мослаштириш, интеллектуал салоҳиятдан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, илмий ва етакчи жаҳон илмий марказлари билан техник ҳамкорлик, фанга ички ва хорижий сармояларни жалб қилиш.

Бу вазибаларни амалга ошириш учун Фанлар академияси фаолиятида ўзгаришлар содир бўлиши ҳамда академия янги ижтимоий-иқтисодий шароитга мослашиши керак эди. Шу билан бирга, миллий иқтисодий комплекс эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилган, жаҳон бозорида муваффақиятли рақобат қила оладиган, юқори интеллектуал маҳсулотларни ярата оладиган тизим яратиш керак эди.

Дарҳақиқат, янги давлатчилик асосларини барпо этаётган Ўзбекистон олдида кадрлар тайёрлаш муаммоси, хусусан, инновацион фикрлайдиган янги авлод кадрларини шакллантириш ҳам давр талабига айланган эди. Мамлакатдаги мавжуд илмий марказларнинг кадр манбаи олий таълим тизимидир. Бу борада ҳам олий таълим тизимининг қайта қурилиши ва такомиллашиб бориши таълим-тарбия жараёнидаги ислохотларнинг муҳим бўғинига айланиб, изчиллик билан босқичма-босқич олиб борилди. Айниқса университет таълими биринчи ўринга чиқди десак, муболаға бўлмайди.

Аммо мустақилликнинг дастлабки йилларида илм-фан соҳасида юқори малакали кадрларнинг салмоқли қисми халқ хўжалигининг бошқа даромадли тармоқларига ўтиб кетиши ёки четга чиқиб кетиши туфайли йиллар давомида шакланган илмий мактаблар ва яратилган тажриба-ишлаб чиқариш базаси вайрон бўлиш даражасига келиб қолди. Шу давр ҳақида алоҳида тўхталган ўзбек олими А. Валиевнинг ёзишича: «Бозор муносабатларига ўтиш билан боғлиқ қийинчиликлар ва ижтимоий ҳаёт тижоратлашишининг оқибатлари илм-фанга ва унда фаолият олиб борган кадрлар ҳаётига салбий таъсир кўрсатди... Кўплаб институт ва кафедралар маблағ етишмаслиги сабабли

тўлақонли ижодий фаолият олиб боролмай қолди... Айни пайтда илм-фан обрўси ва олим имижи тушиб кетди. Иқтидорли ёшлар илм-фан ва аспирантуранинг ўрнига тижоратни афзал кўра бошлади...»<sup>23</sup>.

Аввалги бобда таъкидланганидек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони билан 1992 йилда ягона илм-фан бошқаруви органи – Фан ва техника давлат қўмитаси ташкил этилди. Қўмита ўзининг дастлабки ўн йиллик фаолияти (2002 йилгача) давомида бор имкониятларини мамлакат илмий-техникавий салоҳиятини сақлаб қолишга ва уни республика ижтимоий-иқтисодий муаммолари ечимини топиш учун йўналтиришга сарфлади. Натижада юртимиз фани тараққиётининг устувор йўналишлари аниқланиб, уларни бажариш учун илк бор фундаментал ва амалий тадқиқотлар Давлат илмий-техника дастурлари шакллантирилди. Шунингдек, базавий молиялаштиришга асосланган илмий тадқиқот фаолиятини бошқариш, мувофиқлаштириш, молиялаштириш ва амалиётга татбиқ этиш тизими жорий қилинди<sup>24</sup>. Хукуматнинг 1993 йил 19 июндаги «Республика илмий тадқиқот, лойиҳа ва конструкторлик ташкилотларининг ходимларни ёллашнинг контракт тизимига ўтиши тўғрисида»ги 297-қарори билан фан ва техника соҳасидаги шартнома муносабатларининг роли ошиб, вақтинчалик ижодий гуруҳларнинг саъй-ҳаракатлари билан аниқ илмий муаммоларни ҳал қилиш амалиётга жорий этила бошлади<sup>25</sup>.

Қўмита мутахассислари томонидан тайёрланган маълумотномага кўра, 1994 йилда мамлакатда 2329 та фан доктори ва 15449 та фан номзоди фаолият олиб борган. Фан докторлари ва номзодлари вазирлик ва идораларда қуйидагича тақсимланган: 29,99 фоиз докторлар ва 35,28 фоиз номзодлар олий таълим муассасаларида; Соғлиқни сақлаш вазирлигида тегишли равишда 23,78 ва 17,09 фоиз; Фанлар академиясида 22,55 ва 12,62 фоиз; Қишлоқ хўжалиги вазирлигида 3,67 ва 3,79 фоиз; ХТВда 3,58 ва 3,79 фоиз<sup>26</sup>. Миқдорий жиҳатдан фан докторлари ва номзодлари контингентининг етарли бўлишига қарамасдан, уларнинг сифат ва демографик таркибида республика минтақаларидаги ҳолати бўйича камчиликлар мавжудлиги аниқланган: фан докторлари умумий таркибидан деярли 55 фоизининг ёши 55 дан юқори бўлган; вилоят илмий ва ўқув марказларида, айниқса Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Наманган, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида фан докторлари ва номзодлари етишмаслиги кўзга ташланган. Айни вақтда Тошкент шаҳрида фан докторларининг 76 фоизи ва фан номзодларининг 63 фоизи жамланган; фан тармоқларининг қатор йўналишлари (фармацевтика, психология, ҳуқуқшунослик, бозор иқтисодиёти) бўйича фан докторлари камомади кўзга ташланган. Айрим фанлар, хусусан, социология ва политология бўйича 1 тадан доктор фаолият кўрсатган, холос.

<sup>23</sup> Валиев А. Из истории науки в Узбекистане // Общественные науки в Узбекистане. 1993. № 5. –С. 17.

<sup>24</sup> ЎЗР ИРВ ЖА. ПЗ-2017092999 шифрли «Амалдаги илмий-техника ахбороти ресурсларини тўлдириш ва янгиларини шакллантириш» мавзусидаги амалий тадқиқот илмий-техник лойиҳаси якуний ҳисоботи. 8-бет.

<sup>25</sup> ЎРИТТХМА. М-451-оп.1-ед.хр.13. Л. 67, 68.

<sup>26</sup> ЎРИТТХМА. М-451-оп.1-ед.хр.16. Л. 25, 26.

Аспирантлар танловида рақобатнинг қўйи даражага тушиб қолганлиги, аспирант ва докторантларнинг илмий ишларини ўз вақтида химоя қилмаганлиги ҳамда тайёрланган фан номзодлари ва докторлари юқори даражадаги талабларга жавоб бермаслиги аниқланган.

Ҳимоялар бўйича мутахассислар номенклатурасида 509 ихтисослик қайд этилганига қармасдан, илмий тадқиқот институтлари ва ОТМда фақат 196 та мутахассислик бўйича ихтисослашган кенгашлар фаолият олиб борган. 313 таси бўйича ихтисослашган кенгашлар умуман ташкил этилмаган<sup>27</sup>.

Шундай қилиб, юқорида илмий салоҳиятга таянган ҳолда ЎзР ФТДҚ фан ва техникани ривожлантириш, истиқболни белгилаш ва республика илмий муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасида 1997 йилдан республика иқтисодиётини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқ давлат илмий-техника дастурлари (ДИТД)ни шакллантиришнинг янги босқичи бошланди. Бунда фундаментал тадқиқотлар дастурлари (ФТД), танловли илмий-техника ва инновация дастурлари шакллантирилди, шундан 13 таси устувор давлат илмий-техника дастурлари (УДИТД) ва 19 таси давлат илмий-техника дастурлари эди.

Уларни бажаришда қатор вазирлик ҳамда идораларга тегишли 150 дан ортиқ илмий тадқиқот муассасаси иштирок этди. ФТД-97 бўйича тузилган 11 та дастур доирасида Фанлар академиясининг 43 та илмий ташкилоти, ОЎМТВнинг 12 та ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 5 та ташкилоти, Мудофаа вазирлиги, Ўзгидромет, «Ўзфарманоат» бирлашмаларининг илмий муассасаларида, шунингдек, ЎзР Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясида жами 363 мавзу бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бу тадқиқотларнинг 109 таси физика, 92 таси биология ва тиббиёт, 59 таси кимё, 41 таси математика, информатика ва механика, 25 таси Ер ҳақидаги фанлар ва нихоят 37 таси иқтисодий ва ижтимоий фанлар соҳасига тўғри келган<sup>28</sup>.

Бу даврда Ўзбекистон Республикаси асосий илмий ташкилотлари томонидан амалга ошириладиган фундаментал тадқиқот лойиҳалари Фундаментал тадқиқот дастурлари (ФТД) орқали олиб борилган. Айни вақтда бу республика олимларининг чуқур фундаментал тадқиқотларини амалга ошириш механизми ҳамдир. Танловли фундаментал дастурлар каби ФТД ҳам ФТДҚнинг фан ва техника соҳалари бўйича эксперт кенгашлари ҳузуридаги давлат экспертизасидан ўтган. ФТДлар 1994 йилдан бошлаб амалга оширилган<sup>29</sup>.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикаси ФТДҚнинг 1992–2001 йилларда фан ва техникани ривожлантириш прогнозлари ва илмий ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш соҳасидаги фаолиятини таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, суверенитетни қўлга киритиши билан иқтисодий қийинчиликларга қарамай, республикада илмий-техник салоҳиятни сақлаб

<sup>27</sup> ЎРИТТХМА. М-451-оп.1-ед.хр.16. Л. 27, 28, 29.

<sup>28</sup> ЎРИТТХМА. М-451-оп.1-ед.хр.44. Л. 2, 3.

<sup>29</sup> ЎзР ИРВ ЖА. Аналитический отчет «Об организации и результатах фундаментальных и прикладных научных исследований в Республике Узбекистан в 1999-2001 гг.» – Т.; 2001. – С. 15.

қолиш ва уларнинг фаолиятини ташкил этиш, мувофиқлаштириш борасида бир қатор муҳим ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти мустақилликнинг илк йилларидан илм-фан ва илмий фаолият соҳасида миллий илмий мактабларнинг жаҳон миқёсида ўз ўрнига эга бўлиши, дунё илм-фани ва технологиялари илғор ютуқларидан миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини юксалтиришда халқаро ҳамкорликдан фойдаланишни мақсад қилиб, чет эл инвестициялари қаторида, чет эллик етук илмий ва технология марказлари, олимлар, мутахассисларни мамлакатга жалб этиш, илмий фаолият юритувчи жисмоний шахсларнинг хорижда тажриба ва малака оширишини таъминлашни кўзлаган эди.

Юқорида қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида кўмита томонидан Ўзбекистон Республикаси фан ва техника соҳасида ўзаро манфаатли ҳамкорлик тўғрисида икки ҳамда кўптомонлама давлатлараро ва ҳукуматлараро шартномаларни туза бошлади. 1996 йилга қадар кўмита томонидан илмий-техникавий ҳамкорлик бўйича 9 та ҳукуматлараро битим лойиҳаси тайёрланди ва хорижий томон билан келишилди, улардан 7 таси имзоланди, 5 таси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги орқали тасдиқлаш учун тақдим этилди<sup>30</sup>.

Хорижий шериклар билан ҳамкорликдаги лойиҳалар доирасида амалга оширилган ишлар 1993 йилга келиб ўз натижаларини бера бошлади ва бу борада қатор муаммоларга дуч келингани аниқланди. 1993 йил давомида республикада лойиҳалар фаол амалга оширилди. Германия техника маркази – ГТМ (8 млн марка қийматидаги 11 та лойиҳа), Европа ҳамжамияти комиссияси томонидан тақдим этилган Германия илмий тадқиқотлар ва мутахассислар жамғармаси дастурлари бўйича техник ва амалий ёрдам (25 млн. АҚШ долларидан ортиқ 27 та лойиҳа) олинди, БМТ дастурлари (UNDP, UNESCO, TOKTEN, UNISTAR), АҚШ ва Япония миллий жамғармалари билан ҳамкорлик қилинди. Биргина 1993 йил охирига келиб республиканинг илмий-техника соҳасига киритилган хорижий инвестицияларнинг умумий ҳажми 800 минг АҚШ долларидан ошди<sup>31</sup>.

